

**Вилоят ҳокими Шухратбек Қўшақбоевич Абдураҳмоновнинг 2016 йил
9 май Умумхалқ байрами “Хотира ва қадрлаш” куни муносабати билан
ўтказиладиган байрам тадбиридаги
МАЪРУЗАСИ**

**Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!
Қадрли фахрийлар ва ҳурматли меҳмонлар!**

Сизларни, Сизлар орқали бутун Андижон аҳлини ўзим ва вилоятимиз аҳли номидан Умумхалқ байрами “Хотира ва қадрлаш” куни билан самимий табриклашга ижозат бергайсизлар. Фарзандларининг бахтли келажаги учун жон тикиладиган, кексалари эъзозланадиган юртнинг нуроний отахон ва онахонларининг ҳар бир куни байрам бўлиб, ўзлари доимо иззат-икромда бўлишларини тилаб қоламан.

Бугун жаннатмакон диёримизда 9 май Умумхалқ байрами “Хотира ва қадрлаш” куни. Дунёдаги яхши ниятли, тинчликсевар инсонларнинг иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабасига **71 йил** тўлди.

Тарихий хотира - бу умр мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бир-бирига дахлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий халқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, ота-боболаримизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва анъаналаримизни топташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачиғидек асраш демақдир.

Ҳар бир давлатнинг ўз тарихи, ўзига хос танлаган йўли бўлгани сари, Ўзбекистоннинг ҳам ҳеч бир давлатга ўхшамаган ўз йўли ва тарихи бор. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ мухтарам Президентимиз Ислом Абдуғуниевич Каримов томонидан 9 май - Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинганлиги нақадар тўғри бўлганлигини вақтнинг ўзи исботлаб турибди, халқимиз бу ташаббусни жуда катта хурсандчилик билан қабул қилиб, ҳар йили уни кенг нишонламоқда.

Ҳурматли Президентимизнинг ушбу сана муносабати билан сўзлаган нутқларида кўтарилган масалаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етган инсон ҳеч шубҳа йўқки, ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан оғишмай, адашмай ривожланиб бораётган ватанимиз, халқимиз бугунги дунёда қандай сиёсий вазиятда яшаётганини юракдан ҳис қилади, ҳушёр тортади.

Ҳурматли тадбир қатнашчилари!

Ўзбек халқида ўтганларни эслаш, ёдда тутиш, уларнинг бугунги кунимиз учун қилган меҳнатларининг қадрига етиш энг олий қадриятга айланган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик мустаҳкам қарор топди. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, меҳр-оқибат туйғулари одамлар қалби ва шууридан чуқур жой олди.

Аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, бугун сафларимизда юрган, элу юрт тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган нуронийларни эъзозлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

ХОТИРА деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилатдир.

Қадрлаш дегани - бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир.

Вақт ўтади, замонлар ўтади, лекин узоқни кўзлаб, ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган талабларни инобатга олиб, одамийлик, инсонпарварлик фазилатларини улуғлаш, умуман, Ватан учун, элу юрт учун хизмат қилган инсонларнинг номларини сақлаш, инсон хотирасини эъзозлаш йўлида қилинган бундай савобли ишлар, ўйлайманки, ҳеч қачон унутилмайди.

Азиз ҳамюртлар! Иккинчи жаҳон уруши, унинг жароҳатлари ҳали вилоятимиз аҳли хотирасидан ўчгани йўқ. Кўпни кўрган, жафокаш юртдошларимиз бу урушда асл фарзандларидан, оиласининг таянчи ва суянчиғи бўлган қанчадан-қанча навқирон ўғлонларидан жудо бўлганлигини ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Ўша машъум уруш жангоҳларида вилоятимиздан 98 минг нафарга яқин мард, эр йигитлар қўлига қурол олиб қатнашдилар. Уларнинг 44 минг нафардан зиёди жанг майдонларида қурбон бўлдилар.

Биз учун урушларда қурбон бўлган юртдошларимизнинг номи ҳам, жасорати ҳам маълум ва ҳеч қачон унутилмагай!

Токи бу муқаддас Хотира майдонига қадам қўйган ҳар бир инсон, нафақат халқимиз, балки бутун дунё аҳли аждодларимизга, фидойи жангчиларимизга бўлган буюк эҳтиромимизни кўрсин, уларнинг хотираси қаршисида таъзим бажо этсин.

Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов айтганларидек, **“Тарихий хотира - бу, аввало, ҳаёт музмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини англаш демакдир. Узоқ-яқин ўтмишда содир бўлган воқеа-ходисалардан бугунги ва эртанги кун учун зарур сабоқ ва хулосалар чиқариб яшаш демакдир. Ўз болалари ва авлодларига, уларнинг онгу шуурига аждодлар руҳига ҳурмат ва эҳтиром туйғуси билан яшашни сингдириш демакдир”**.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида” қабул қилган фармони асосида Сизларга қаратилаётган алоҳида эътибор бу юксак ҳурмат ва эътиборнинг ифодасидир.

Вилоятимизда ҳар бир фахрийнинг ҳаётини музmunли қилишга, умрини узайтиришга қўлимиздан келганича ҳисса қўшиш, уларга нафақат мана шундай байрам кунларида, балки ҳар куни, ҳар соатда ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини унутмаслигимиз керак.

Қадрли дўстлар!

Хотира ва қадрлаш байрамининг яна бир муҳим жиҳати ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Ўсиб келаётган ёш авлод истиқлолимиз тарихини чуқур ўрганиши, бундай кунларга осонлик билан эришилмаганлигини тушуниб англаши зарурлигини ёдимиздан чиқармайлик.

Истиқлол даврида туғилиб вояга етган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, буюк мақсадлар сари интилаётган фарзандларимиз ота-боболаридан мерос бўлиб қолган ўз юртини, туғилган тупроғини муқаддас деб билиши, унинг эртанги ёруғ кунини учун бутун борлигини бағишлашга, керак бўлса, жонини фидо қилишга тайёр бўлиши - буларнинг барчаси бугун ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ёшларимиз ҳаётининг узвий бир қисмига айлангани ҳаммамизга ишонч ва куч-қувват бағишлайди.

Шу маънода бугун нишонланаётган Хотира ва қадрлаш кунининг мазмун-моҳиятини, яъни ўтганларни эслаш, ҳаёт бўлганларни қадрлаш, Ватанни ҳимоя қилиш, уни дахлсиз сақлаш каби олижаноб фазилатларни ёш авлодимизнинг онгига сингдириш катта аҳамиятга эга.

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятимизда истиқомат қилаётган барча фахрийларни байрами билан яна бир бор муборакбод этаман.

Яратгандан Сизларга сиҳат-саломатлик, фарзандларнинг бахту камолини кўришларингизни талаб қоламан. Барчамизга мана шу табаррук айём қутлуғ бўлсин!

Хонадонларимиздан файз-барака, юртимиздан тинчлик-хотиржамлик аримасин!

Эътиборингиз учун раҳмат!